

УРАЗОВА Раъно Ташпулатовна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш
UNESCO кафедраси доценти, фалсафа доктори
(PhD)

САДУОВА Жанар Нуралиевна,
Хожа Аҳмад Яссавий номидаги
Халқаро қозоқ-турк университети,
Педагогика и психология кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди

АВЕСТАДА ЁВУЗЛИКНИНГ РУҲИЙ-АХЛОҚИЙ КЎРИНИШЛАРИ (АЭШМА ВА АРАСК МИСОЛИДА)

ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ЗЛА В АВЕСТЕ (НА ПРИМЕРЕ АЕШМА И АРАСКА)

SPIRITUAL AND MORAL MANIFESTATIONS OF EVIL IN THE AVESTA (BASED ON THE EXAMPLE OF AESHMA AND ARASK)

Аннотация: Мазкур мақола зардуштийликда яхшилик ва ёмонлик қарама-қаршилиги ҳамда ёвузликнинг чексиз қиёфаларининг руҳий - ахлоқий кўринишларига бағишланган. Инсон дунёнинг синов майдонларида фақатгина эзгу ишлари билан дангасалик, зиқна, очофат, хотирасизлик, андишасизлик каби фикрий хислатларни инкор этиши ва йўқотиши мумкин.

Шунингдек, мақолада инсон ҳаёти давомида турли ҳолатларга дуч келиши, унинг табиатида ҳалимлик, босиқлик, камтарлик, сабрлилик, ҳаё, андиша каби яхши хулқлар қаторида газаб, рашик, аразлашиш, гина-кудрат каби руҳий ва фалсафий-ахлоқий масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: зардуштийлик, Авеста, Аҳура Мазда, Роман, Гэуш Урван, хаома, Дуруг, Ахриман, Аешма, Араск, Воҳумана.

Аннотация: Данная статья посвящена духовно-нравственным проявлениям противостояния добра

и зла и бесконечным формам зла в зороастризме. Человек может отрицать и терять такие интеллектуальные качества, как лень, скупость, недостаток памяти, немыслимость, только совершая добрые дела на испытательных полях мира.

Также в статье человек сталкивается в течение своей жизни с различными ситуациями, духовными и философско-этическими проблемами, такими как гнев, ревность, обида, зависть, обида и т. д.

Ключевые слова: зороастризм, Авеста, Ахура Мазда, Роман, Геуш Урван, Хаома, Дуруг, Ариман, Аешма, Араск, Вохумана.

Abstract: This article is devoted to the spiritual and moral manifestations of the confrontation between good and evil and the endless forms of evil in Zoroastrianism. A person can deny and lose such intellectual qualities as laziness, stinginess, lack of memory, unsinkability, only by doing good deeds on the testing fields of the world.

Also in the article, a person faces various situations, spiritual and philosophical-ethical problems during his life, such as anger, jealousy, resentment, resentment, anger, envy, resentment, etc.

Key words: Zoroastrianism, Avesta, Ahura Mazda, Roman, Geush Urvan, Haoma, Durug, Ahriman, Aeshma, Arask, Vohumana.

КИРИШ

Зардуштийлик тизимининг ижтимоий асосларида қадимий ибтидоий жамоачиликдан мулкий муносабатлар сари ўтиш, маълум даражада табақаланиш, шу муносабат билан ишлаб чиқарувчи кучларнинг хўжалик турлари бўйича тақсимланиши, сиёсий бошқарув тизимининг маълум даражадаги унсурлари, маънавий, ахлоқий, фалсафий, қарашларнинг ўзига хос дуал модели юзага келаётган давр ўз аксини топган [5:303]. Шу сабабли борлиқдаги барча ҳодисалар хоҳ табиий, хоҳ ижтимоий - Авестада яхшилик ва ёмонлик қарама-қаршилиги тарзида қўйилади [13:6666-6671]. Бунда инсонга юкланган масъулият яхшилик йўлида барқарор ва қатъий бўлиш, эзгуликдан уни чалғитадиган ҳар қандай омилларни енгил яратган зотнинг эзгу дунёси ҳақлигига ишонибгина қолмай, ушбу дунёнинг ривожига хизмат қилишдир, дея таъкидланган. Ўзига

хос хулқлар ва ҳиссиётлар билан зийнатланиб яратилган инсон ҳаёти давомида турли ҳолатларга дуч келади. Инсон табиатида ҳалимлик, босиқлик, камтарлик, сабрлилик, ҳаё, андиша каби яхши хулқлар қаторида ғазаб, рашк, аразлашиш, гина-кудрат каби иллатлар ҳам мавжуд [17].

Зардуштийлик инсонни доимо эзгу ният, яхшилик орзусида яшашга, эзгу андиша билан сўзлаш ва амал қилишга чорлайди, фикрсизлик эса бунга зид ёки фикр-андишани инкор этиш ёвузлик томон зил кетиш деб қаралади. Шу жиҳатдан дангаса, зикна, очофат, хотирасиз, андишасиз каби фикрий хислатларни инкор этиш бир чизиқда жойлашган руҳий ва фалсафий - ахлоқий масалалар туркуми деб қаралиши мумкин. Буларнинг барчаси инсонни ўз ихтиёрини ёвуз кучларга топширмасликка, Ҳақ йўлидан чалғимасликка, эзгу ишлардан қолмасликка чақиради [2:126]. Зардуштийлик дин ва унинг амалиётида чин юракдан, сергаклик билан эътиқод даражасини, Аҳриман кирдикорларига алданмасликни буюрган [14:57-60].

АСОСИЙ ҚИСМ

Диннинг муқаддас манбаси Авестада Ахура Мазда қудратли парвардигор деб кўрсатилади. У ёвузлик дунёсини мутлақ йўқ қилишга қодир [4:78]. Бироқ, у бу ишни имонли инсон зиммасига юклайди. Синов майдонларида инсоннинг эзгу ишлари барча ёмонликларни йўқотиш воситаси эканини билдиради. Шундай экан, Авестанинг ёвузлик кучлари ҳақидаги барча маълумотлари имонли (артабон) инсон учун пировард эзгулик мақсади йўлидаги синовлардан жисму-жонни ва руҳни покиза сақлаб ўтишга даъват деб қаралади.

Авеста инсон руҳининг турли ҳолатларини таҳлил қилишга ишорат берувчи баъзи ўринларга ҳам эга. Бунда инсон руҳининг хотиржамлиги, равонлиги, осудалик, ғашланмаслик каби ҳолатлари улуғланади. Бинобарин, инсон руҳи осойишта бўлса, унинг имони ҳам барқарор бўлади. Нотинч руҳ имонни сусайтиради, деб ҳисобланган. Ҳатто, руҳ осудалигига хизмат қилувчи Роман маъбуд

ҳам бўлган. Бироқ, инсоннинг руҳида кечадиган очкўзлик, уйқуга ружу қўйиш, дангасалик, фикрсизлик, андишасизлик, ҳасад, бахиллик, араз ва рашк каби туйғулар борки, улар одам онгига Аҳриманнинг ёвуз таъсиридир [14:57-60]. Бу тушунчаларнинг яхшилик душманлари даражасида тимсолга айлантирилиши Авестада ўзига хос салбий кучлар ифодасига айланган.

Жумладан, “Ясна” наскининг 9-ҳоитийси (Ҳаома ичимлиги шаънига айтилган алқов) да асотирий қаҳрамон Жамшид таваллуди ва подшолиги даврига оид лавҳа берилган. Унда Ҳаома дарахти (ўсимлиги) баргларида илк маротаба муқаддас шарбат олган “валий” зотлар ҳақида гап боради. Ҳаома Зардуштнинг «Эй, Ҳаома! Бу астуманд оламида инсонлар орасидан “Ким биринчи бўлиб сенинг шарбатингни олди? Унга нечук ажр муносиб кўрилди ва у қандай бахтга лойиқ бўлди? - деган саволига жавоб берар экан”, деди: - “Илк бор... Виваҳванд менинг шарбатимни олди. Бу шараф эвазига у фарзандли бўлди - Йима Хшайатий (Жамшид)» туғилди. Жамшидга яхши сурув қўй - кўзилар ва элда олий эътибор насиб этди. Худо Жамшидга тенгсиз гўзал чехра ато айлади. Ниҳоят, Жамшидга шахриёрлик (подшолик) мартабаси нозил бўлди. Унинг даврида ўлим йўқ эди. Сувлар қуримас, гиёҳлар абадий кўм-кўк эди. Қаҳратон киш, жазирама ёз, кексалик йўқ эди. Етмиш яшар кекса билан ўн беш ёшли ўспирин бир хилда эди. Дард ва ўлим йўқ эди... Девлардан пайдо бўлмиш Рашк ҳам йўқ эди” [1:10-11]. Ахура Мазда эзгу борлик ичра Ваху Манадек Эзгу Ният фариштасини пайдо қилиш билан баробар, унга муқаддас ҳўкиз қиёфасини берди. Бироқ, Буқанинг руҳи (Гэуш Урван) хавотирда. Чунки эзгу оламнинг истикболида одамзоднинг тубанлашуви эҳтимоли аён. “Видевдот”да айтилганидек, “икки оёқли қашқирлар” пайдо бўлади. Айни шу тубанлик ғазаб деви Аэшма қиёфасида Араз ва Рашк тимсолида, ёвузликнинг ашаддий шаклларида намоён бўлади [12:72-76]. Хусусан, аразлашиш – инсон ҳаётида кўп учрайдиган иллатлардан бири ҳисобланади. Бу иллатлар кўпинча инсонни ноқулай аҳволга солиб қўяди [17].

Қолаверса, Ахриман ёвузликларининг пайдо бўлиш шакллари барча эзгуликлар муқобилида улар билан сон ва кучда тенг. Яхшилик-ёмонлик қутблари доимий зиддиятда. Айни шу заминда ёвузликнинг энг бош омилини зардуштийлик “Драуга-дуруғ, Ёлғон” тимсолида умумлаштиради [6:25]. Бу лавҳанинг сал фарқли баёни “Видевдот” наскида ҳам учрайди. Бунга кўра Жамшид (Йима) подшолигида завоқ йўқ, доимо фаровонлик, ёвуз ният йўқ, тун йўқ, совуқ йўқ. Худо яратган эзгуликлар кўпайиб бораверади... Одамларда бахиллик, рашк, кинадоват йўқ, дард йўқ, ўлим йўқ ва ҳоказо [3:96].

“Тоҳ”лардаёқ Эзгу фикр фариштаси Воҳумана Олам руҳи тимсоли сифатида Гэуш Урван (Гўшварван)-Ҳўкиз жони номидан Яратганга мурожаат қилиб, қуйидаги сўзларни айтгани бежиз эмасдир:

“Мени нечун яратдинг,
Нечун ато бўлдим йўқдан борликда?
Аэшма, Араск, қабиҳ густоҳлик
Ёлғон ичра қолдим хорликда.
Ўзинг менинг бор ҳимоятим,
Ўзга суянч менга бегона
Сенга монанду муносиб
Ҳомий зотлар йўллағилким,
Жон ва руҳим бўлсин хотиржам”

[8:304;7:304].

Бу мурожаатнинг замирида ўта қадимий бир ҳақиқат яшириндек кўринади. Яъни, Ахура Мазда эзгу борлик ичра Ваҳу Манадек Эзгу Ният фариштасини пайдо қилиш билан баробар, унга муқаддас ҳўкиз қиёфасини берди. Бироқ, Гэуш Урван хавотирда. Чунки, эзгу оламнинг истикболида одамзоднинг тубанлашуви эҳтимоли аён. “Видевдот”да айтилганидек “икки оёқли қашқирлар” пайдо бўлади [3:96].

Айни шу тубанлик ғазаб деви Аэшма қиёфасида Араз ва Рашк тимсолида, ёвузликнинг ашаддий шаклларида намоён бўлади. Бу лавҳалардаги Рашк тушунчаси Авестада “Араск” қаби талаффуз қилинган ёвузлик туйғусидир. Бу одамлар кўнглида ҳасад, бахиллик уйғотади. Қизғанч оловини “гуриллатади”. Рашк инсон руҳиятининг тубан туйғуларидан бири. Унинг қўзғалиши тиник

ақлни хиралатади. Одамларнинг оқилона қарорга келишига ҳалакит беради. Турли гуноҳ хатти - ҳаракатларга сабаб бўлади. Рашк туфайли одам илоҳий насибасига қарши исён кўтаради. “Яратган”нинг иродасини инкор этади. Ўзига лойиқ эмас тақдирга даъвогарлик қилади. Инсоннинг руҳий изтироби ақлан тўғри баҳоланмайди. Натижада қалбан инсон гуноҳ йўлига киради. Ҳақ ва унинг иродасидан норозилик гуноҳнинг дарвозасидир [10:29].

Араск истилоҳининг бугунги қиёфаси рашкдан ташқари араз сўзида ҳам сақланган. Араз ўз навбатида кин (гина), кудуратни туғдиради. Норозилик туйғуси туфайли илоҳий тақдирдан эмас, дунёда худонинг бирор бандасидан кўнгил қолиши, хафа бўлиш шаклида Ҳақ ва унинг иродаси унутилган бўлади. Зардуштийликда Араск (рашк, араз) қаби руҳий ижтимоий ҳолат гуноҳ ҳисобланган. Бу тушунчанинг бугунги ҳаётимизда ҳам ўз ўрни борлиги маълум. Зардуштийликда араз, рашк туйғуларига берилмаслик, ақл билан иш юритиш ва гуноҳ туйғуни тарк этиш буюрилгани қаби ҳозирги дунё динларида ҳам рашк, араз, гина-кудуратдан тез фориғ бўлиш, айниқса, норизолик, араз ҳолатларидан чиқиш учун кечиримлилик, узрхоҳлик, ақл билан ўлчаб адолатли қарорга келиш кабилар савобли ҳисобланади [9:18-19].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб қуйидаги фикрларни ўртага қўйиш мумкин:

1. Барча ёвузликларнинг бош манбаи ва мужассами Ахриманнинг ҳалокати дунёни асл эзгу моҳиятига қайтаради, дея таъкидланиши инсоният тарихидаги илк утопик ғояларнинг бири сифатида тафаккур тараққиётининг ноёб ҳодисаси деб баҳоланиши мумкин.

2. Зардуштийлик инсонни доимо эзгу ният, яхшилик орзусида яшашга, эзгу андиша билан сўзлаш ва амал қилишга чорлайди, фикрсизлик эса бунга зид ёки фикр-андишани инкор этиш ёвузлик томон зил кетиш деб қаралади. Шу жиҳатдан дангаса, зикна, очофат, хотирасиз, андишасиз қаби фикрий ҳислатларни инкор этиш бир чизикда жойлашган руҳий ва

фалсафий - ахлоқий масалалар туркуми деб қаралиши мумкин.

3. Зардуштийлик дин ва унинг амалиётида чин юракдан, сергаклик билан эътиқод даражасини, Ахриман кирдикорларига алданмасликни буюради. Буларнинг барчаси имонли инсонни ўз ихтиёрини ёвуз кучларга топширмасликка, Ҳақ йўлидан чалғимасликка, эзгу ишлардан қолмасликка чақиради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Авесто: Тарихий-адабий ёдгорлик // Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.:Шарқ, 2001. - 384 б., 16 б. зарварақ. – Б.10-11.
2. Авесто: Яшт китоби. / М.Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. - 126 б.
3. Авеста: “Видевдот” китоби. / М.Исҳоқов тарж. – Т.: ТДШИ нашриёт - босмаҳона бўлими, 2007. - 96 б.
4. Аҳмедова С.Д. Этика. – Т., 2009. - 78 б.
5. Бойс Мэри. Зороастрийцы. Верование и обычаи. – М.: Наука, ГРВЛ., 1988. - 303 с.
6. Benveniste E. Hommes et dieux dans l’Avesta/ Fest – schrift Eilers, 1967. – S.144-147.
7. Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М.Стеблин-Каменского. Санкт-Петербург, 2009. – С.34-37.
8. Исҳоқов М. Авеста: Зардушт “Гоҳ”лари (маъно ўғирмалари ва герменевтик талқинлари). – Т.: Bookmany print, 2022. - 304 б.
9. Исҳоқов М.М. Қадимги давлатчилигимиз тарихидан // Таълим муаммолари. 2006. - № 1. – Б.18-19.
10. Исҳоқов М.М. Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати // Гулистон, 2003. - № 1. – Б.29.
11. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.,1992. – С.162.
12. Urazova R. Historical and Social Bases of Evil Symbols in the Avesta. International Journal of Scientific Trends- (IJST). Volume 3, Issue 02, February 2024. – P.72-76.
13. Ra’no Urazova. Scientific Analysis Of Wicked Expressions In The Avesta Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume 6, July 2021: 6666 - 6671.
14. Уразова Р.Т. “Авесто”да ёвузликнинг универсал қиёфаси. Илмий-таҳлилий ахборот. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент, 2011. - № 1. – Б.57-60.

15. Urazova R. Ameshaspentas und ihre funktionsanalyse in Avesta (Asha-Vahishta und Vahu-Mana). Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities ISSN 2749-0866. Vol.2 Issue 1.7. – P.37-46.

16. Қаюмов А.П. Хурдо Авеста. //А.Қаюмов, М.Исҳоқов, А.Отаҳўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. - 232 б.

17. <http://old.muslim.uz>